



**ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИДА  
МАТНШУНОСЛИК ВА  
МАНБАШУНОСЛИК  
МУАММОЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ўзбек филологиясида матншунослик ва  
манбашунослик муаммолари**

**Республика илмий-назарий анжуман  
материаллари**

**Наманган, 2016 йил 5-6 май**

**1-китоб**

**Наманган - 2016**

Мазкур тўпламда “Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари” мавзусида республика миқосида ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари жамланган.

Тўпламдан атокли филолог олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг маколалари ўрин олган.

**Масъул муҳаррирлар:**

Фаридахон КАРИМОВА, филология фанлари номзоди, доцент  
Муъминжон СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари номзоди, доцент

**Муҳаррирлар:**

Иброҳимжон Дарвишов, катта илмий ходим-изланувчи  
Нозима Қозоқова, ўқитувчи  
Умиджон Қўзиев, ўқитувчи

**Тақризчилар:**

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ, филология фанлари доктори, профессор  
Носиржон УЛУҚОВ, филология фанлари доктори

**Таҳрир хайъати:**

Абдусалом УМАРОВ, НамДУ ректори, профессор  
Муродхон ҚОДИРХОНОВ, НамДУ проректори, доцент  
Хуринисо УСМОНОВА, филология фанлари доктори  
Зоҳиджон СОДИҚОВ, филология фанлари номзоди  
Қосимжон СИДИҚОВ, филология фанлари номзоди  
Шавкатжон АБДУРАҲМОНОВ, филология фанлари номзоди  
Кодир НОСИРОВ, филология фанлари номзоди

НамДУ илмий-методик кенгаши йиғилишининг 2016 йил 11 апрелдаги 4-сонли қарорига мувофиқ нашр этишга тавсия қилинган.

Тўпламдан ўрин олган маколаларнинг илмий ва услубий жиҳатларига муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

	архивлаштириш.....	97
25. <b>Жумайева С.</b>	Ertakchilik va dostonchilik an'analari ijodiy sintez muammolari.....	101
26. <b>Каримова Ф., Юлдашева С.</b>	Завкий ижодида навоий анъаналари.....	104
27. <b>Махмудов Ж.</b>	Табибий ва Саъдий.....	106
28. <b>Абдуллаев М.</b>	Убайдий ҳикматлари хусусида.....	109
29. <b>Давлатов О.</b>	Алишер Навоий дostonларидаги дидактик хикоятларнинг манбаси хусусида.....	116
30. <b>Асадов М.</b>	Жанр табиати ва қаҳрамон руҳияти таsvири.....	122
31. <b>Жўрабоев О. Р.</b>	Матн талқини тарихи хусусида.....	126
32. <b>Алимов О.С.</b>	“Хамса ул-муҳаййирийн” асарининг илмий-танқидий матнини тузишга доир.....	132
33. <b>Ҳамроева О.</b>	Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида “Бобурнома” матнидан парчалар.....	139
34. <b>Қурбонov А.</b>	Ташбеҳ ва истиораларда мавзу, ғоя ва маҳорат мутаносиблиги.....	144
35. <b>Сулаймонов И.И.</b>	«Бобурнома»да тарихий ҳақиқатнинг бадий талқини.....	154
36. <b>Жабборова М.</b>	“Қиссаи Жамшид”нинг бир қўлёзма нусхаси ҳақида.....	160
37. <b>Жўраева Ҳ.</b>	Хусайний девонининг Боку нашри хусусида.....	165
38. <b>Ҳужаев А.Ф., Ашурова Ш.Ш.</b>	“Бобурнома” шарқшунослар талқинида.....	169
39. <b>Маматқулова Ф.</b>	Ўзбек халқ оғзаки ижодида сандик тимсолининг бадий талқини.....	171
40. <b>Раҳмонова З.</b>	Фольклор жанрларини саклаб қолишда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг ўрни..	175
41. <b>Мамадалиева Н.</b>	Ҳикмат тили гўё.....	177
42. <b>Арслонов А.</b>	Бадий асарни назмдан насрга ўтказиш анъанаси (Умар Боқийнинг «Фарҳод ва Ширин» қиссаси мисолида).....	181
43. <b>Тошболтаева Т.</b>	Нафосатга ташналик.....	184
44. <b>Насриева Д.</b>	“Авесто”даги бир поэтик образ хусусида..	188
45. <b>Равшанова Г.</b>	Ҳолис қаламига мансуб «Юсуф ва Зулайҳо» дostonининг бир қўлёзма нусхаси.....	190
46. <b>Сулаймонова Ҳ.</b>	Ас-Саолибийнинг котиблар учун ёзган асарлари.....	195
47. <b>Эшанова З.Қ.</b>	Ўзбек халқ дostonларидаги тоғ ва ғор образларининг мифологик талқини.....	199
48. <b>Файзуллаева Р.</b>	Мирзо таржималари.....	202

49. Mamatsaliyeva Z.	Tarixiy asarlar tarjimasining o'ziga xosliklari.....	205
50. Болтабаева О.	Хилватий поэтикасининг адабий герменевтик тахлили.....	210
51. Ашуров Д.А.	Афсона ва ривоятлар матнларида муносабатнинг ифодаланиши.....	213
52. Суярова А.	Муҳаммад Раҳимхон Феруз лирикасида лафзий санъатларнинг қўлланиши.....	218
53. G'ulomjonova Sh. M.	Matndagi sirli jumboqlar.....	221
54. Qoriyev S.	"Boburnoma"da nabotot tasviri.....	225

### БАДИЙ ТАРЖИМА МУНДАРИЖА

55. Нурматов Ў.	Персонаж характери ва таржима.....	230
56. Сайдалиев С.	Матн ва дискурс тушунчалари хусусида.....	233
57. Содиқов З.	"Дунёнинг ишлари" асаридаги миллий ўзига хосликнинг немисча талқини хусусида.....	235
58. Каримов О.	Ўзбек таржимачилигида Абдулла Ориповнинг ўрни.....	238
59. Абдуллажанов А.	Алишер Навоий "Муножот"ининг ўрганилиши тарихига доир.....	241
60. Сидиқов Қ., Обилов З.	Бадий асарларда афоризмларнинг ўрни ва таржима муаммолари.....	245
61. Тоджиходжаев М., Бобохонов М.	Ўрта махсус таълим муассасаларида Машраб ижодини ўрганиш.....	249
62. Ashurova Sh.	Tarjimada obrazli birikmalar (Anna Segresning "barhayot o'liklar" asari misolida).....	252
63. Облокулова Ш.	Таржима машаққати.....	255
64. Сидиқов Қ., Каримов М.	Метарфора ва метафорик бирикмаларлар таржимаси муаммолари.....	257
65. Мизропова Ж.	"Ҳамлет" таржималари хусусида.....	261
66. Турсунбоев Б.	Муқобилсиз сўзларни таржимада қайта яратишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	265
67. Сидиқов Қ., Алланазарова С.	Бадий таржимада шакл ва мазмун.....	268
68. Tojiboyev I.	The role of "diwanu lugati't-turk" in the process of investigating world turkology.....	271
69. Kasimova R.	G'afur G'ulomning "Mening o'g'rigina bolam" hikoyasi inglizcha tarjimasida leksik transformatsiyalar.....	274
70. Daminjanov S.	The initial keys of achieving group	

## “ҚИССАИ ЖАМШИД”НИНГ БИР ҚҮЛЁЗМА НУСХАСИ ҲАҚИДА

М. Жабборова, ТДПУ тадқиқотчиси

Қадимда халқ қиссахонлиги анъанаси шоҳномахонликнинг таъсири ўлароқ жуда тез ва кенг оммалашди. Уларнинг оғзаки вариантлари билан бир қаторда ёзма манбалари ҳам юзага келди. Қиссанинг ёзма вариантлари китобий дostonлар ёки халқ китоблари номи билан машҳур бўлган. Бир жиҳатдан олиб қараганда, “классик поэзия намуналарининг бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасида юзага келган ёки яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган, шунингдек, бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарларни китобий дostonлар дейиш мумкин”<sup>1</sup> деган фикр ҳам тўғри. Иккинчи жиҳатдан эса, ушбу қиссалар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг ўзаро уйғунлашуви, бирикиши натижасидир.

Дастлаб яратилган қиссаларнинг ҳажми озроқ, воқеалар қўлами кейинги даврлардагига нисбатан торроқ бўлган. Қиссахонлик халқ орасида тобора авж ола бошлагач, бундай қиссалар оғиздан оғизга ўтиб, қайта ишланиб, бадий жиҳатдан сайқаллаштирилган, ҳажми ҳам сезиларли даражада ортган. Бунинг натижасида “Халқ яратган дostonлар китобат қилинди, шоирлар ва адиблар томонидан қайта ишланди; шу заилда оғзаки адабиёт билан ёзма адабиётни бир-бирига чамбарчас боғловчи “халқ китоблари” деб аталган бадий асарлар цикли вужудга келди.”<sup>2</sup>

Халқ китоби “Қиссаи Жамшид”нинг ҳам бир канча вариантлари юзага келди. Асарнинг қўлёзма, тошбосма ва оғзаки услубдаги халқ варианты<sup>3</sup> шулар жумласидандир. Вариантлар сони ошгани сайин қиссанинг тили, тасвирий ифода услуби ва айтувчининг нутқи силлиқлашди, асарнинг бадийяти ошди. Ушбу вариантларнинг ҳар бирини қўздан кечириш шу жиҳатидан ҳам муҳимдир. Зероки, “вариантлик халқ ижодининг тарқалиш доираси ва халқчиллигини белгилайди. Вариантлар мустақил аҳамиятга эга бўлган поэтик факт сифатида ижтимоий ва бадий тафаккурнинг ривожланиш жараёнини

<sup>1</sup> Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараккиёти / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: 1981, 23-б.

<sup>2</sup> Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967, 32-б.

<sup>3</sup> ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти “Фольклор архиви”да “Қиссаи Жамшид”нинг №84 ва №102 рақамли магнит тасмасига муҳрланган оғзаки варианты сақланган.

Ўрганишда алоҳида қиммат касб этади.”<sup>1</sup> Уларнинг “илдизи узоқ замонларга бориб тақалгани сингари, кейинги асрларда ҳам шаклланиб, мукаммаллашиб борди ва уларнинг янги-янги вариантлари пайдо бўлди.”<sup>2</sup>

Тошкент давлат Шарқшунослик институти тадқиқот марказининг нодир қўлёзмалар фондида халқ китоби “Қиссаи Жамшид”нинг бир қанча қўлёзма ва нашрий нусхалари сақланади. Шулардан бири № Р:6143 рақамли қўлёзмадир. Китобнинг ҳажми 14x25. Сатр йўли 13 та. Қўқон қоғозига бир оз хунук настаълиқ хати билан битилган. Ушбу дастхат “Қиссаи Жамшид” асарининг нисбатан қадимийроқ қўлёзма нусхаси бўлиб, хижрий 1237(мил.1821)йилда кўчирилган.

Дастхатнинг усти қаттиқ картон билан қайта муқоваланган. Нусханинг бошидаги бир неча саҳифаси йўқолган. Бошланмаларнинг қизил сиёҳда ёзилганлигини ҳисобга олмаганда, китоб ҳошия ва безакларсиз, қора сиёҳда ёзилган. Биринчи саҳифада “Хулафои” сарлавҳаси билан куйидаги форсча матн берилган. Бошланмаси: “Хулафои Рошидиндан аввал Абдулла ибн Аббос, дуввўм Абдулло ибн Амир, саввўм Абдулло ибн Масъуд, чаҳорўм Зобид ибн Собид, панжўм Ойишаи Сиддиқа, шаштўм Муси Ашъар, ҳафтўм Мъор Жабал Асъад раст аст.”<sup>3</sup> Давомидан ушбу саҳифанинг охиригача уларнинг шарҳи берилган. Асарнинг сўнгги бетиде эса Фолнома номли куйидаги, асарга тааллуқли бўлмаган ўзбекча матн берилган. “Фолномаи Ҳазрати шоҳи Мардон Карим Абдуваҳобнинг руҳи покларига ... Фотиҳани бир йўла, Ихлосни уч йўла ўқумоқ керак эди. Кейин бу сиёҳ бирла ром тортқил ::::::: ва анинг сакиз сакиз ...\* қилгил. Агар бир қолса хўб бўлгай, токи давлатга етгай, Аллоҳ Таоло ҳар не мақсадинг бергай. Эй фол эгаси, билгил ва огоҳ бўлгил, бу фолнинг бир кунда, ё уч кунда, ё бир ҳафтада муқаррар бўлгай. Агар сафардин сўрасанг боргил. Одина куни чиқгил, қамуғ ишларинг хосил бўлгай...” Биринчи ва охириги варақдаги ушбу ёзув билан китоб матни ёзуви бир биридан фарқ қилади. Шунга асосланиб, асарнинг кўчирган котиб ва уни қайта муқовалаган шахс, яъни биринчи ва охириги саҳифага матн киритган котиб бошқа шахс, деган хулосага келиш мумкин.

<sup>1</sup>Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 14-б.

<sup>2</sup>Абдуллаев В. Ўзбек алабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967, 33-б.

<sup>3</sup>Абу Райҳон Беруний номидаги ТДШИ қўлёзмалар маркази “Қиссаи Жамшид”. Инв № Р:6143. 1-б.

\* Ёзув учиб кетганлиги туфайли ўқий олмадик.

Китобнинг бошида ҳам охириги саҳифаларида ҳам асарнинг номи, кўчирган котиби ҳақида маълумот йўқ. Китоб бошидан неча саҳифа йўқолгани номаълум. Иккинчи варақдан “Қиссаи Жамшид” асарининг воқеалари бошланади. Лекин 50-бет деб қизил қалам билан белгилаб қўйилган ушбу саҳифада Жамшид ва Лайливаннинг кимор ўйнагани воқеаси тасвирланган. Аслида бу лавҳа асарнинг бошида эмас, кейинроқ юз бериши керак эди. Шу сабабдан, асарнинг бошидаги саҳифалари йўқолган, деган хулосага келдик. Учинчи варақда эса қиссанинг нисбатан бошроғидаги воқеаларни ўқишимиз мумкин. Бундан китобни қайта муқовалаган одам 2 ва 3 варақларни ўрнини алмаштириб тикиб қўйганлиги маълум бўлади.

Ушбу қўлёзмада муқаммал нашрларда мавжуд бўлган асарнинг бошланмаси, шунингдек, Жамшиднинг насли насаби, отаси Тахмурасп девбанд ва акаси Қаҳрамон ҳақидаги тафсилотлар мавжуд эмас.

Қўлёзма матни қуйидаги лавҳа билан бошланган: *“Халқ фитна қилди. Бу бечора ҳолидин хабар олмайду. Ҳама итифоқ қилиб, Жамшид шикорга чиқонда бир неча мол, канизак, қул, чўри, бир неча йилқи, об озукқа олиб бориб Жамшидни шаҳардин бадарга қилиб, узотиб қўйдилар. Чероки мусофирлиқ тортсун, очлиқ тўқлиқни, яхши ёмонни қўруб, ибрат олсунлар, – деди. Андин сўнг олиб келурмиз дедилар.”*<sup>1</sup>

Қўлёзмада воқеалар тафсилоти кискароқ баён этилади. Хусусан, қаҳрамоннинг Балхга боргани ҳақида маълумот берилмаган. Жамшид Ҳиндистонга боргач, бир кишидан нард ўйнашни ўрганadi. Ҳаммани ютиб, давлатманд бўлади.

Матнда ҳикоя қилинишича, шаҳарга Болғор подшоҳининг иниси Лайливанш келади. Унинг маликаси Қозоқ подшоҳининг қизи Маликаи Дилсўз эди. Лайливанш уни қирқ ҳачир мол эвазига сотиб олган эди. Жамшид Лайливанш билан кимор ўйнайди: *“Баъзи бул ютти, баъзи ул ютти, аммо Лайливанш Жамшидни андоғ юттиким, ҳеч нимарсаси қолмади. Биродаридин тўрт ҳамён зар қарз олиб келиб, қобларга хошак тиқиб, шул мол деб гилам ёпиб ўйнади, Лайливаншни юти.”*<sup>2</sup> Кейин Лайливанш Маликаи Дилсўзни тикишга мажбур бўлади, уни ҳам ютқазади. Шундан сўнг *“Маликаи Дилсўзумни бой бердим. Ҳар нечук бўлса ўзумни қўяй. Олсам хўб, агар*

<sup>1</sup> “Қиссаи Жамшид” Инв№ Р: 6143. 5-б.

<sup>2</sup> Инв№Р:6143. 3-б.



ул ютса, Маликаи Дилсўзумни кўруб, хизматида юрарман”<sup>1</sup> деб ўзини тикиб ўйнайди. Омади келиб Жамшид уни ҳам ютиб олади.

Қўлэзмада ҳикоя қилинишича, Турон подшоҳи шикорда юрганида Маликаи Дилсўзни учратади. Унинг кимлигини суриштириб билади ва маликани Жамшиддан ютиб олиш мақсадида Жамшид билан қимор ўйнайди. Жамшид ютқизаётган пайти Маликаи Дилсўз келиб ўйин тарзини ўргатади. Жамшид вазиятдан Дилсўзнинг кўрсатмаси билан чиқади ва Турон подшоҳини ютади. Мукамал вариантда эса Жамшид ютқазиб ҳеч нарсаси қолмайди ва ўйинга маликани тикади. Турон подшоҳи маликани даврага олиб келишини сўрайди. Малика келгач, подшоҳ билан ўйинни Жамшид эмас, малика давом эттиради, Жамшид эса сетор чалади. Малика подшоҳдан Жамшид ютқазган барча молларни, ҳаттоки, подшоҳнинг ўзини ҳам ютиб олади. Иккала асарда ҳам тасвирланишича Жамшид Туронга подшоҳ бўлади, маликага уйланади ва Турон подшоҳини ўзига вазир қилиб олади.

Жамшид Рум подшоҳига бизга итоат қилинг, мазмунида нома ёзиб элчи юборади. Рум подшоҳи Хунхорнинг жаҳди чиқиб, Жамшид билан жанг қилиш учун Хитойдан Баҳроми Хитойини чақиртириб, Баҳромнинг отаси Фағфури Чинга хат жўнатади.

Қўлэзмада эса Баҳромни чақиртириш учун Шабранги Румийни элчи қилиб юборилади. Ушбу дастхатда Баҳромнинг отаси ҳақида умуман маълумот берилмаган.

Шунингдек, Хунхор Жамшидни тутиш учун Чоҳарбоғи хаёлига тўрт минг миршаб юборади. Кейин Рум подшоси унга қарши яна Шермасти Хабаший номли Маликаи Зебоҳуснга ошиқ бўлиб, подшоҳдан ранжиб юрган паҳлавонни юборади. У Жамшид билан дўст тутинади. Жамшид маликаи Зебоҳусни Шермастга никоҳлаб беради. Чорасиз қолган Хунхор яқин вазирлари Сиёмак ва Равшанакни юборади. Улар ҳам ўз қариндошлари билан топишади. (Сиёмак Жамшиднинг бобоси, Равшанак амакиси) Дарғазаб бўлган подшоҳ жанг қилгани ўзи келади. Жамшид дўстларига зиён етмаслиги учун олти ой мухлат билан у ердан кетишга мажбур бўлади. Мана шу ерда яна Жамшиднинг дуоси билан қора бўрон туриб, улар шаҳар аҳолисига аралашиб кетади.

Воқеа тафсилотига кўра, Жамшид шаҳарга чиққач, бир ҳаммомчига дуч келади. Унга ўзини Хабаш шаҳридан келдим,

<sup>1</sup> Инв№Р:6143. 3-6.

Шермастнинг одамиман, деб таништиради. Тошбосмада эса хаммомчига Жамшид шаҳардан қочибди. Биз Турондан уч савдогар келган эдик. Икки дўстимни тутиб олишди, мен қочдим, дейди.

Қўлэзмада Қатрони Румий ва уни қўлга тушириш лавҳаси йўқ. Яна бир фарқли жиҳати Хунхорнинг айёри Шабранги Румий Жамшид ва Шермастни Маликаи Зебохусннинг равоқига яширинганлигини айтади ва тутиш учун боради. Улар у ердан ҳам қочишади. Чол кампирникига боришганида, орқасидан Шабранг Румий келгани тафсилоти қўлэзмада кейинроқ, Бодрафтор келганидан кейин берилган.

Шунингдек, мазкур қўлэзмада Бодрафтор Маликаи Дилсўзга ўзини айёр эканлигини билдириш учун узугини яширинча олиш воқеаси, Шабранги Румийнинг Жамшид ва Бодрафторни орқасидан қувиб бориб қўлга тушиши саҳналари йўқ. Қўлэзмада эса қаҳрамонлар ҳақидаги таърифу тавсифлар деярли учрамайди.

Қолган воқелар ривожини мукамал нусхадаги каби давом этади. Фақат уларнинг хотимаси турлича берилган. Қўлэзмада Жамшиднинг Заххок томонидан ўлдирилиши воқеаси билан асар тугайди. *“Подшоҳ Жамшидни тутуб олиб борди. Заххок сўз сўради. Аз дариқ қилиб давлатларни олиб, халқни фиреб бирла олибсен. Бешаи Хиронга ўтлар ёқтинг, зоратлар солдинг. ... ўлтурурман, деб бир неча қўб гуноҳларни бўйнига қўйди, рост ёлгонларни айти сенга ўлим йўқ, деди. Вазир ҳуқомоларни жам қилиб, ду сара арраларни келтуруб, тахтага олди. Икки тахтани орасида маҳкам қилди. Бошидан оёғига арра қилдурди. Бу фалаки гаддордин ба сад хасрат ва надомат бирла кетти. Бу фоний дунё ҳар кимга бир доғ қўйди. Тамат 1237.”*<sup>1</sup>

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Р:6143 инвентар рақамли қўлэзмада тафсилотлар бир мунча қисқа, воқеалар баёни сиқик ва лўнда берилган. Баъзи изоҳловчи матнлар, эпизодик образлар, узундан узоқ лавҳалар умуман учрамайди. Ушбу китоб “Қиссан Жамшид”нинг тўлиқ варианты ҳисобланмаса-да, ўзбек адабиётида ёзилган Жамшид қиссасининг энг қадимий нусхаси сифатида муҳим адабий қимматга эга

<sup>1</sup> Инв №Р:6143. 65-б.

## ХУСАЙНИЙ ДЕВОННИНГ БОКУ НАШРИ ХУСУСИДА

Х. Жўраева, ТДПУ ўқитувчиси

Хусайн Бойқаро девони илк мартаба 1926 йил Бокуда чоп этилган. Ушбу нашр Хусайний ғазалларини турк оламининг кенгрок жамоасига етказиш, китобхонлар эҳтиёжини қондириш, шоир шеърларини тарғиб қилиш жиҳатидан аҳамиятлидир. Аммо ношир қўлёзма манбалардан қиёсан фойдаланмаганлиги учун девон матнида кўплаб хатоларга йўл қўйилган. Бизнинг тадқиқотимиз қиёсий йўналишда бўлганлиги боис, ғазаллардаги етишмовчилик, сакталикларни кўрсатиб ўтамиз.

Китоб *بولدى گل وقتی و مین سم الله الرحمن الرحيم* калимасидан сўнг, *داغیو صفت حالیمنی پس الیدا عرض ایت ای بصا* ғазали билан бошланади. Хусайнийнинг аслида 7 байтни ташкил этувчи ушбу ғазали 5 байт ҳолида кўчирилган. Ғазалга тегишли 2-3-байтлар матнда мавжуд эмас.

2-байт:

*قان یشیمنی کوردونگ و گادیک کونگول حالین*  
*داغیو صفت حالیمنی پس الیدا عرض ایت ای بصا*

3-байт:

*غرقة مین کوز مردمی دیک قان یشیم سیلا بیغه*  
*آه کیم فریادیمه بیتماس بو کون بیر آشنا*

Этибор қаратилса, ғазал калималарида ҳам фарқли ўринлар кўзга ташланади. 2-мисрада *عشق* сўзи ўрнига *هجر* сўзи қўлланилиши лозим эди.

Нашрда 3-ўринда келган ғазал мисраларида ҳам тафовутлар бор. Хусусан, 4-байт 1-мисраси охирида келган *قان تو ککو* ўрнида *کوز مردمی* ўрнида *چى* сўзи ишлатилиши керак. Шунингдек, ғазал мақтаъсининг 1-мисрасидаги *عشق* ўрнига *پیری* сўзи қўлланиши мақсадга мувофиқ келади.

Хусайнийнинг *اول قدرعنا* ғазали *بولماسا* радифли билан бошланади. Ундаги *ياقغول* манбада *ياندور* шаклида берилган. 6-байт 1-мисраси сўнгидаги *کونگول* сўзи қўлёзмада *ای رفیق* тарзида қўлланган.

2-байт 1-мисрасидаги *زره* ғазалининг *کونگول* маъносида *توشمه اضطراب* ҳолатида *عکسیدور* жумласи аслиятда ишлатилган. 4-байт 2-мисрасида ҳам *رشته تاب* калимаси *تاب* шаклида тўғри ёзилиши керак.